

ХУҚУҚБУЗАРЛИК ЎЗИНИ ЎЗИ МАҲКУМ ҚИЛУВЧИ ХУЛҚ ДЕТЕРМИНАНТИ СИФАТИДА

Сулаймонова Тухтахон

АДУ умумий психология кафедраси уқувчиси

Абдулазизов Мансурбек

405-гуруҳ талабаси

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақола ўсмир ёшлардаги девиант хулқ масалаларига бағишланади. Хуқуқбузарлик хулқ-атвор муаммоси, аммо мазкур тушунча муаммога умумий ёндашувни акс эттиради, лекин муаммонинг туб моҳиятини очиб бера олмайди. Уни илмий жиҳатдан ёритиш девиант хулқ психологияси фани зиммасига муайян вазифаларни юклайди. Мазкур хулқнинг шаклланиши ва ривожланишида хуқуқий ва ахлоқий онг, шахс эҳтиёжларининг моҳияти, унинг характер хусусиятлари, эмоционал – иродавий жабҳасининг ўрни беқиёслиги таъкидланади.

Калит сўзлар: Хулқ-атвор, ижтимоий тарбия, хуқуқбузарлик, девиант хулқ, психология, характер.

Замонавий тадқиқотларда ўсмирларнинг ўзаро мулоқоти, шахслараро муносабати, уларнинг турли ижтимоий гуруҳларга бирикуви, яшаши учун илиқ психологик муҳитнинг яратилмаслиги хулқий оғишлар эҳтимоли юқори бўлишига сабаб бўлаётганлиги эътироф этилмоқда. Хуқуқбузарлик эса хулқ-атвор муаммосидир, аммо мазкур тушунча муаммога умумий ёндашувни акс эттирсада, лекин муаммонинг туб моҳиятини очиб бера олмайди. Уни илмий жиҳатдан ёритиш девиант хулқ психологияси фани зиммасига муайян вазифаларни юклайди. Девиант хулқни ҳақиқий тушуниш учун ижтимоий гуруҳ ёки турли жамиятларда бир-биридан фарқ қилувчи девиантликни ижтимоий дефиница ва унинг ижтимоий аниқланганлигини тан олиш керак. Соддарок қилиб айтадиган бўлсак, меъёр ва бузилишлар юзага келиши учун уларни ташувчилар ва унинг бузувчилари ҳам бўлиши керак. Меъёрларнинг ташувчилари – булар айнан ўз онгларида хулқ меъёрлари мавжуд бўлган инсонлар. Лекин инсонларнинг ўзлари берган баҳолари ва меъёри билан келиша олмасликка мойилдир.

Ўрганилаётган муаммонинг ечимига қаратилган бир қатор илмий изланишларда хулқ оғишларининг мотивлари, уни ривожланиш сабаблари ва шароитлари, унинг олдини олиш ва бартараф этиш имкониятлари атрофича ўрганилган. Мазкур хулқнинг шаклланиши ва ривожланишида хуқуқий ва ахлоқий онг, шахс эҳтиёжларининг моҳияти, унинг характер хусусиятлари, эмоционал – иродавий жабҳасининг ўрни беқиёслиги таъкидланади.

Делинквент кўринишидаги (хуқуқбузарлик ва ўз ўзига тазоввузкорлик ҳаракатлари) девиант хулқ - ўсмирнинг таъсирланиши, унинг турли патологик шакллари билан шартланган ва шунингдек, нопатологик, яъни психологик бўлиши мумкин. Девиант ҳаракат ўз ўзича психик бузилишларнинг белгиси ҳам бўлмаслиги яна ҳам аниқроғи жиддий психик касаллик бўлмаслиги мумкин. Асосан, улар ўсмирнинг ижтимоий-психологик девиациялари, аввало, микросоциал-психологик қаровсизлик, шунингдек, вазиятли характерологик реакциялар (қаршилик, рад этиш, имитация, эманципация ва бошқалар) билан шартлангандир. Айрим ҳолларда ўсмирлардаги девиант хулқ у ёки бу

даражада шахс ривожланишидаги патологиялар ва патологик вазиятли реакциялар билан боғлиқ бўлиб, шунга кўра. психик патологиялар жумласига киритилади, кўпинча ёндош ҳолатлар сифатида қаралади. В.В. Ковалевнинг (1979) фикрича, девиант хулқнинг патологик шакллари нопатологик кўринишларидан қуйидагича ажратилади: 1) муайян патологик характер синдромларининг, масалан, юқори аффектив қўзғалувчанлик синдроми, эмоционал-иродавий беқарорлик, характернинг истероид, эпилептоид, гипертим хислатлари мавжудлиги; 2) ўсмирнинг микроижтимоий гуруҳлари: оила, коллектив, мактабдошлари, ўсмирларнинг референт гуруҳларидан ташқаридаги девиант хулқ кўринишлари; 3) девиант хулқ полиморфизми, яъни айнан бир ўсмирда турли характердаги, жумладан, делинквент, аутоагрессив, аксилижтимоий, тартиб-интизомга зид хатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги; 4) невротик даражадаги бузилишларнинг (аффектив, соматовегетатив ва ҳаракатга келтирувчи) хулқ ўзгаришлари билан уйғунлашуви; 5) хулқ бузилишларининг стереотип такрорланиши сабаб девиант хулқни динамик кўриниш олиши, унинг характер аномалияси ва патологик майл кўринишидан шахс патологияси шаклига ўтиши ҳолатлари кузатилганда дифференциациялаш мумкин. Ўсмирлар девиант хулқининг патологик шакллари клиник кечиши асосан патологик вазиятли реакциялар (патохарактерологик), шахсдаги психоген патологик шаклланишлар (F60-F69), психопатия шаклланишларининг (ядрли, яъни конституционал ва органик) эрта кўринишлари (F60-F69), шунингдек, психопатияга ўхшаш нопроцессуал (резидуал-органик ва самотоген) ҳолатлар (F07.0) да ўз ифодасини топади. Ковалев В.В.(1979) ўсмирлик даврига хос патологик характер хусусиятларини психик бузилишларнинг алоҳида шакли сифатида таърифлайди. Патологик вазиятли (патохарактерологик) реакциялар психоген шахслилик реакциялари бўлиб, унга хулқнинг стереотип оғишлари сабаб бўлади, чунки турли психикани шикастловчи вазиятлар, тенгқурларидаги хулқ бузилишларининг муайян “юқори даражаси”, сомато-вегетатив нуксонлар билан кечувчи ва ижтимоий адаптациянинг қисқа ва узоқ муддатли бузилишлари боис ҳам вужудга келади. Бу реакциялар хулқ бузилишларининг нопатологик “характерологик” хусусиятларидан фарқ қилади. Хулқ бузилишларининг нопатологик “характерологик” реакциялари ўсмирларда фақатгина муайян вазиятларда пайдо бўлади, лекин дезадаптация ва соматовегетатив бузилишлар билан кечмайди. Патологик вазиятли реакциялар кўпинча психологик асосга эга бўлган ҳолда ривожланади. Аммо ўсмирлардаги психопат характер хислатлари, ҳатто минимал резидуал-органик церебрал ўзгаришлар, шунингдек, пубертат кризисларнинг нуксонли кечишларида - бу реакциялар патологик кўриниш олади. Патохарактерологик реакциялар ўткир кечувчи аффектларга нисбатан бир неча ҳафталар, ойлар ва йилларга чўзилиши билан фарқ қилади. Асосан, хулқ бузилишларининг патологик шартланган вазиятларида: делинквент, уйдан қочиш, дайдилик, алкоголь ва кайф берувчи моддаларга эрта ружу қўйиш, суицидал хулқ, жинсий девиациялар(F69.5) тарзида кечади. Салбий ижтимоий омиллар (нотўғри тарбия, узоқ муддатли психикани шикастловчи вазиятлар, аввало, патологик вазиятли реакциялар)нинг сурункали патоген таъсири оқибатида ўсмирлар нотўқис шахсга айланадилар.

Психопатия диагностикаси П.Б. Ганнушкин (2000) таклиф этган клиник даражаларга асосланади. Мавжуд ахлоқий-этик меъёрларни менсимаслик, уни писанд қилмаслик, тажоввузкорлик, импульсивлик (беихтиёр ҳаракат) психопатик хулқ бузилишлари бўлиб, ушбу муаммонинг ижтимоий қирраларини ташкил этади. Шахс аномалияларига оид илк клиник талқинлардаёқ жинсий хулқ шаклланишида муайн аҳамиятга эга бўлган характерологик хусусиятларга диққат-эътибор қаратилган бўлиб, булар; а) болалигидаёқ одамларга ва ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик; б) худбинлик; в) ачиниш ҳиссининг

йўқлиги; г) ёлғон ва ўғрилиққа мойиллик; д) эмоцияларнинг мувозанатсизлиги; е) майллар патологияси (F63) дир.

Ўзини ўзи маҳкум қилувчи хулқ концепциясида ўз ўзини англашни назорат қилиш ётади (курсив – Т.Г.). Аксарият ҳолларда ўзини ўзи маҳкум қилувчи хулқда шахснинг атроф муҳитни ва ўзининг шахсий ички оламини акс эттира олмаслигидан иборат ўзига хос патология яъни, чегаравий психик бузилишлар ёки психик касаллик тушунчалари ташкил ётади. Шунга кўра, хулқ оғишларининг ривожланиш механизмида асосий ўринни (ролни) шахснинг атроф муҳитга адаптациясининг бузилиши эгаллайди. Ижтимоий адаптация бузилишларининг белгиларига қуйидагилар киради. Булар: социумга тегишлилик эҳтиёжининг пасайиши, атрофидаги инсонларнинг уни қабул қилишлари ва қўллаб қувватлашлари, ижтимоий йўналтирилган ҳисларнинг йўқолиши, ижтимоий меъёрлар ва яқин ижтимоий доирадагиларнинг ишончсизлик билдириши, алоқадорсизлик, атрофидагиларнинг талабларига негатив муносабат ҳамда улар билан ўзаро зиддиятли муносабатлардир.

Ҳозирда криминал даражага етмаган кичик ҳуқуқбузарлик ва хаттиҳаракат кўринишидаги хулқ бузилишларини изоҳлашда “делинквентлик” атамаси ишлатилади. Агар криминал хулқ “Жиний кодекслар” билан мустаҳкамланган ҳуқуқ меъёрларига кўра асосланса, делинквент хулқ жамоатчилик томонидан қайд этилган маънавий-ахлоқий меъёрларга нисбатан ажратилади. Личко фикрича, делинквентлик характер акцентуацияси (Z73.1) ва психопатиянинг беқарор типи (F60.4) нинг яққол хулқ кўринишидир. Шунингдек, у психопатия ва акцентуациянинг гипертим (F60.3) ва истероид (F60.4) типларида ҳам учрайди. Агар девиация психопатия даражасига ўсиб ўтса, делинквентлилик эпилептоид ва шизоидларда кўпроқ учрайди. Баъзан делинквент хулқ назоратсизлик ва эмоционал инкор этиш шароитида эмоционал-лабил типига хос ўсмирларда ҳам учрайди. Характер акцентуацияси ва психопатиянинг сенситив (F60.7) ва психоастеник (F48.8) типлари учун делинквентлик хос эмас.

REFERENCES:

1. Abdullayeva, G. A. (2020). THE IMPORTANCE OF MORAL NEEDS IN THE UPBRINGING OF THE INDIVIDUAL. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 2(6), 463-469.
2. Abduxalilovich, A. Q. (2015). PSYCHOLOGICAL PECULIARITY OF INTELLECTUAL ACTIVITY. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 3(2).
3. Абдурахимов, Қ. А. (2023). СУБСЕНСОР АЙТИБ ТУРИШ ВА ОНГСИЗЛИК ДАРАЖАСИДАГИ УСТАНОВКАЛАР АНГЛАНГАНЛИКНИ ТЎЛДИРУВЧИ ҲОДИСА СИФАТИДА. Talqin va tadqiqotlar, 1(21).
4. Тўлаганова, Г. Қ. (2021). ЎСМИРЛИК ДАВРИГА ХОС ПУБЕРТАТ КРИЗИС ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИ. Academic research in educational sciences, 2(NUU Conference 1), 407-409.
5. Тулаганова, Г. Қ. (2014). Девиант хулқнинг психологик коррекцияси. Тошкент “Университет” нашриёти.
6. Туляганова, Г. К. (2013). ОСОБЕННОСТИ ПРОЦЕДУРЫ РАЗРАБОТКИ ПСИХОДИАГНОСТИЧЕСКОЙ МЕТОДИКИ" ОСОЗНАННОСТЬ ЖИЗНЕННЫХ ЦЕЛЕЙ ПОДРОСТКОВ". Человеческий фактор: Социальный психолог, (1), 93-101.

7. Туляганова, Г. К., & Лукмонов, А. С. (2010). ИЗУЧЕНИЕ ОСОБЕННОСТЕЙ ЛИЧНОСТНОЙ СТРУКТУРЫ ПОДРОСТКОВ INVESTIGATION OF THE FEATURES OF TEENAGERS'PERSONALITY STRUCTURE. Естественные и технические науки, (4), 153-157.

8. Шоира Джумабековна Усманова (2022). ЁШЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК ВА ИНТЕЛЛЕКТ ДИНАМИКАСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР. Academic research in educational sciences, 3 (NUU Conference 2), 954-959. 9. Shomurotova, N. (2020). Оиладаги соғлом муносабатлар. Архив научных исследований, (22).